

ГЛОБАЛЛАШУВ ЁШЛАРДА ТАХДИДБАРДОШЛИКНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ УМУМБАШАРИЙ ОМИЛЛАРИ

A.A.Дармонов

*Андижон қишлоқ хўжалиги ва
агротехнологиялари институти
Гуманитар фанлар кефедраси катта ўқитувчиси*

Аннотация: Мақолада “Ёшларнинг таҳдиидбардошлиги” тушиунчасининг мазмун-моҳияти ва унинг шаклланишига таъсир кўрсатадиган омиллар диалектикаси масалалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Ёшлар, “Ёшларнинг таҳдиидбардошлиги”, таъсирчан омиллар, замонавий ёшлар шаклланиши.

Бугунги кунда замонавий халқаро муносабатларнинг глобаллашуви ва унинг трансформацияси шароитида халқаро ҳаётнинг барча соҳаларида кескин ўзгаришлар юз бермоқда. Бунинг натижасида давлатлар ўртасидаги ўзаро алоқалар шаффофлашиб, интеграциялашув жараёнларини тобора кучайиши кузатилмоқда. Замонавий халқаро муносабатларнинг анъанавий иштирокчиси бўлмиш давлатлар билан бирга унинг янги иштирокчилари сифатида жаҳон сиёсий майдонига халқаро хукуматлараро молиявий, иқтисодий ташкилотлар, нодавлат, нохукумат ташкилотлари ҳамда трансмиллий корпорациялар, компания ва фирмалар чиқмоқда. Халқаро ташкилотларнинг ривожланиши, айниқса хукуматга тегишли бўлмаган халқаро нодавлат, нохукумат ташкилотлари фаолиятининг тобора кучайиши оқибатида халқаро муносабатларининг мазмун ва моҳиятини, унинг ўзига хос хусусиятларини чуқур ўрганишга эҳтиёж ортиб бормоқда.

Бу борада аввало, жамият ҳаётини демократлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, унинг изчиллиги ва самарадорлигини таъминлаш, глобаллашув ва ахборотлашув жараёнлари билан боғлиқ вазифалари мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг энг асосий йўналишларидан бирига айлангани тасодиф эмаслигини алоҳида таъкидлаш лозим.¹

Айни пайтда, глобаллашиб бораётган бугунги дунё аҳолиси, айниқса ёшларда таҳдиидбардошлик туйғусини шакллантиришниң умумбашарий омиллари ва улар билан боғлиқ жараёнларга доир муҳим тамойиллар ва хусусиятлар мавжудлиги ҳам шубҳасиз, албатта. Бу омиллар ва тамойиллар

¹Муминов А. Ўзбекистон: ахборотлашган жамият сари. –Т., “Turon zamin ziyo”, 2013

давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қиласлик, ҳудудлар ва чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик каби халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларига таянади.

Айниқса, бугунги кунда халқаро майдонда турли сиёсий қучлар ўзининг миллий ва стратегик режаларига эришиш учун «Эркинлик ва демократияни олға силжитиши» ниқоби остида амалга ошираётган, узоқни қўзлаган сиёсатнинг асл моҳияти ва мақсадларини ўз вақтида сезиш, англаш катта аҳамият касб этади. Шу борада айрим қудратли давлатлар томонидан муайян мамлакатларга, авваломбор, ер ости, ер усти бойликларига эга бўлган ҳудудларга нисбатан олиб борилаётган ана шундай ғаразли сиёсатни дунёning айрим минтақаларида тинч ҳаётнинг издан чиқиши, ҳокимият тепасига айнан ўша давлатларнинг манфаатларига хизмат қиласиган қучларнинг келиши билан боғлиқ мисолларда кўриш қийин эмас. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2024 йил 6 ноябрда Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисидаги нутқида “Минг афсуски, Остона ва Шуша шаҳарларидаги учрашувларимиздан кейинги вақт мобайнида глобал геосиёсий жараёнлар тобора мураккаб тус олди. Етакчи давлатлар ўртасидаги рақобат ва ишончсизлик муҳити кескин кучаймоқда, зиддият ва уруш ўчоқлари кўпайиб, турли хавфхатарлар янада ортмоқда”² деган холосаси

Халқаро муносабатларнинг глобаллашуви, бир томондан, янги мустақил давлатларга халқаро майдонга эркин чиқиш ва турли давлатлар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, ўз миллий манфаатларини химоя қилишда кенг имкониятлар яратсаётган бўлса, иккинчи томондан, давлатларнинг бир-бирига яқинлашуви ҳамда улар ўртасидаги боғлиқликнинг кучайиши натижасида бу жараёнда маълум бир минтақадаги турли сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва молиявий муаммолар дунёning бошқа бир минтақасига жуда тез тарқалмоқда ва ўз таъсирини ўтказмоқда. Вазият ташқи таҳдидларнинг ички таҳдидлар, яъни ноанъанавий таҳдидларнинг анъанавий таҳдидлар билан ўзаро уйғуллашуви туфайли мураккаблашмоқда.

Бундай вазиятда юзага келган сиёсий воқеликни чуқур илмий таҳлил этиш, геосиёсий жараёнларда мамлакатимизнинг ўрни ва аҳамиятига тўғри баҳо бериш, миллий хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ муаммолар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўрганиш ҳамда мамлакат хавфсизлигига таҳдид солаётган ташқи ва ички омилларини аниqlаш муҳим вазифалардан биридир.

² Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисидаги нутқи <https://president.uz/uz/lists/view/7670>

Айни шу масалалар У.Бутаевнинг яқинда, яъни 2018 йилда ҳимоя қилган “Ўзбекистонда демократик жамият ривожида тинчлик ва барқарорликнинг ўрни” мавзуидаги илмий ишини алоҳида таъкидлаш жоиздир³.

Ҳозирги даврда нафақат инсон онгини, балки қалбини ҳам эгаллаш бундай курашнинг бош мақсади бўлгани учун ҳам Ер юзининг турли минтақалари турли синов майдонига, сиёсий ва мафкуравий полигонга айлантирилмоқда. Ана шундай шароитда халқимизнинг барча қатламларига берилаётган ахборотлар объектив, воқеликни тўлиқ ва тўғри акс эттириши, жамиятимиз тараққиётига, Ватан ва халқ манфаатларига, миллий қадриятларимизни сақлашга хизмат қилиши ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Бунда жамоатчилик фикрини шакллантириш ва такомиллаштириш, жамият ва шахс, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатларни чуқурлаштиришда ҳамда ҳукумат фаолиятининг замонавийлашувида катта аҳамиятга эга омиллардан бири сифатида намоён бўлади.

Шу маънода, бизнинг бу борадаги билимларимиз қанчалик объектив ва чуқур бўлса, унинг замерида юзага келган устувор тамойиллар асосида турли ташқи тажовузларга муносиб зарба бериш мумкин деб ўйлаймиз. Бироқ, бунга эришиш жараёни ниҳоятда серқирра бўлиб, у ўз моҳиятига кўра, ташқи таъсирлар оқибатини йўқотишга қаратилган чора-тадбирлар, ғоявий-тарбиявий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ишлар мажмуидан иборат бўлади. Бу ишларни миллий даражада, республика миқёсида самарали амалга ошириши учун унга таъсир қиласиган ташқи, глобал таъсирлар ва омилларни илмий таҳлил қилмоқ лозим. Зеро, бугунги дунёning манзарасини таҳлил этиш ҳозирги давр - дунёда ғоявий қарама-қаршиликлар мураккаб тус олган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучлироқ бўлиб бораётган давр эканлиги ҳақидаги хulosанинг тўғри эканини кўрсатади.

Айни пайтда жаҳоннинг турли нуқталаридан ривожланган мамлакатларга кўчиб келишнинг кучайиб бориши шароитида бу давлатларнинг туб аҳолиси, айниқса ёшлари орасида ирқчилик ғояларининг ёйилиши тезлашаётганини ҳам таъкидлаш зарур. Шарқий германияликларнинг 46 фоизи, Ғарбий германияликларнинг 40 фоизининг Германияда чет элликлар ҳаддан ташқари кўп деб ҳисоблаши ҳам бундай ғоялар тарқалиши учун етарли замин мавжудлигини англатади. Натижада дунёда инсон қалби ва онгини эгаллаш учун кураш тобора кучайиб бормоқда. Бу ҳол бугунги кунда дунёning ижтимоий-сиёсий мафкуравий манзарасини белгилаб бermоқда.

³Бутаев У. Ўзбекистонда демократик жамият ривожида тинчлик ва барқарорликнинг ўрни. Сиёсий фан. докт. (PhD)дисс –Т.: ЎзМУ, 2018.

Маълумки, дунё ҳудудий жиҳатдан турли минтақа ва қитъаларга бўлинади, мавжуд давлатларнинг чегаралари Ер юзининг ҳудудий бўлинишини англатади. Бу борада аниқ чегаралар бор. Аммо инсоният XX аср охирига келиб, глобаллашиб бораётган бугунги дунёга хос бўлган бир қатор чегара билмайдиган муаммоларга дуч келди. Уруш ва бекарорлик таҳдиди, экологик фалокатлар, маънавий қашшоқлик, наркобизнес, терроризм каби муаммолар ана шулар жумласидандир.⁴

Кишилик жамияти тарихи инсонда олижаноб фазилатларнинг шаклланиши ва ривожланишига ҳам, айни пайтда ғайриинсонийликнинг хилма-хил кўринишлари илдиз отиб ўзининг мудҳиш қиёфасини намоён қилишига ҳам қўп бор гувоҳ бўлган. Афсуски, инсониятнинг бутун тарихи давомида бундай иллатлар унга ҳамроҳлик қилиб келди, турли даврларда янги шакл - шамойил, хусусият касб этди. Бугунги кунда уларнинг энг ёвузлари Ер юзидаги таҳдидбардошлиқ ва тотувлик, ҳамкорлик ҳамда ҳамжиҳатликка ва охироқибатда инсониятнинг ягона бирлик сифатида эркин тараққий қилишига катта хавф туғдирмоқда.

Бугун дунёнинг манзарасини ўз мақсадлари йўлида ўзгартиromoқчи бўлаётганлар барқарорлик ва тараққиётга таҳдид солмоқда. Уларнинг асосий шакллари ва йўналишлари ҳақида гап кетганда, ана шундай умумбашарий таҳдид ва хавф-хатарлардан бири буюк давлатчилик шовинизми билан боғлиқлигига алоҳида эътибор бериш лозим. Буюк давлатчилик шовинизмини, муайян кучлар ва давлатлар томонидан бўладиган сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий ҳукмронлик деб ёки миллатлараро ва давлатлараро, минтақавий муносабатларда унга интилиш деб таърифлаш мумкин. Шовинизм баъзи кўп сонли миллатларнинг нафақат кўп миллатли империя доирасида, балки уни ўраб турган жуғрофий - сиёсий маконда ҳам ўзининг мутлақ ҳукмронлигини ўрнатиш учун курашда намоён бўлади. Кўриниб турибдики, буюк давлатчилик шовинизми ғайриинсоний характерга эга. Зоро, у ўз моҳиятига кўра миллий тенгсизликни оқлаш, тарғиб - ташвиқ қилиш ҳамда ҳимоя қилишнинг ўзига хос шаклидир.

Буюк давлатчилик шовинизмининг таҳдидбардошлиқ учун хавфи нимада? Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, бугунги кунда буюк давлатлар мақомига эга бўлган айrim мамлакатлар кўпгина минтақаларни ўзларининг “ҳаётий манфаатлари” ҳудуди сифатида босиб олиб, узоқ вақт мустамлакачилик сиёсати юргизганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Айнан босиб олинган ҳудудларнинг табиий хом ашё ресурсларидан фойдаланиш, бу мамлакатларнинг моддий ва маънавий бойликларини ўзлаштириш уларга улкан ва қудратли давлатга айланишга имконият яратди. Бунинг оқибати ўлароқ, ўз атрофидаги мамлакатлар

⁴Назаров Қ., ва бошқ. Фалсафа асослари. –Т.:Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2019. – 188-194 бетлар.

ва халқлар билан муносабатда ўзини устун, танҳо ва ягона деб билиш, инсоният тақдирли, халқлар келажагини белгилашда алоҳида мавқега даъвогарлик ифодаси сифатида баҳоланиши мумкин бўлган мумтозлик мафкураси тарих саҳнасига чиқди. Бундай мафкура давлат сиёсатининг асосига айланганда узоқ давом этган қонли урушлар келиб чиқиши, бутун бир минтақаларнинг вайрон бўлиши, кўплаб халқларнинг қарам қилинишини исботловчи мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Жиддий таҳлил қилинадиган бўлса, биринчидан, беҳисоб хомашё ресурслари, ишчи кучи, транспорт коммуникацияларидан фойдаланишдан, геостратегик мавқедан маҳрум бўлиш; иккинчидан, собиқ колонияларнинг ўз метрополияси таъсири ва тазиқидан халос бўлишга интилиши, мустақил ички ва ташқи сиёsat юрита бошлиши; учинчидан, халқаро майдонда тенг хуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик устувор бўлиб бораётганини тушунмаслик, тўғрироғи тушунишни истамаслик; тўртинчидан, бошқа кучлар маркази томонидан гўёки унинг “ҳаётий манфаатлари” тан олинмаётгани, у амал қилаётган худудлар торайтирилаётганини рўкач қилиш ва, ниҳоят, бешинчидан, мақтанчоқлик, инсоният тараққиётига қўшган ҳиссасига ортиқча баҳо бериш, уни бетакрор ва ноёб деб ҳисоблаш ҳозирги кунда буюк давлатчилик шовинизмининг жонланиши учун “асос” бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, бу асослар «Спонсорлик, воситачилик, ташаббускорлик, кўмаклашувга розилик, ҳамкорлик» каби алоқалар шаклида такомиллашиб ҳам бормоқда¹.

Бугунги кунда инсон онги ва қалби учун кураш кескин тус олаётган экан, хилма-хил қарашларнинг мафкура майдонида ҳукмронлик қилишга интилиши табиий, албатта. Бунга эътиқод умумийлигига асосланган ҳолда якка мафкура ҳукмронлигини таъминлаш орқали жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан ўзига қарам қилишга бўлаётган хатти-ҳаракатларни мисол келтириш мумкин. Диний ақидапарастлик шулар жумласидандир. Масалан, ислом динини қурол қилиб олган турли ақидапарастлар ижтимоий, миллий хусусияти, қайси давлатга мансублигидан қатъий назар, барча мусулмонларнинг маънавий бирлиги ҳақидаги тасаввурларга таяниб, уларнинг ягона халифалик остида сиёсий бирлашуви ғоясини асослашга ҳаракат қиласидилар.

Бундан ташқари, бу оқим тарафдорлари халифалик байроғи остида бирлашишни ноисломий дунёга қарши туриш мақсади билан боғлашларини ҳам таъкидлаш зарур. Бундай ёндашув ўта хавфли эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Зоро, у инсониятнинг диний асосда қарама-қарши қутбларга бўлинниб кетишига, баъзан “цивилизациялар тўқнашуви” деб аталадиган ҳодисанинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

¹ Жўраев Т. Миллий давлатчилик: хавфсизлик ва барқарорлик. –Т.: Akademiya, 2007. – Б.117.

Таҳдидбардошлик ва барқарорликка таъсир ва таҳдидлар ҳақида гап кетар экан, дунё миқёсида баҳс-мунозараға сабаб бўлаётган ва ечимини кутаётган муммолар кўп. Жумладан, баъзи давлатларда қўпорувчилик, ҳарбийлар ва тинч аҳолини қийноқларга солиш, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган усуслар билан жазолаш саҳналари намойиш этиш орқали, вахима уйғотиш, тинч ҳаёт тарзини издан чиқариш, ғоявий порокандалик юзага келтириш мақсадида, шунингдек маънавиятга зарап етказадиган, ақидапарастлик руҳида йўғирилган, ўз мафкуравий таъсирларини муттасил тарзда сақлаб туришга қаратилган манбалар тобора хавфли кўриниш касб этиб бормоқда. Шунингдек, ҳозирги вақтда дунёнинг мафкуравий манзарасида турли воситалар орқали ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилаётган тажовузкор миллатчилик, неофашизм, террорчилик, диний экстремизм каби сиёсий кучлар ва оқимлар фаолияти ҳам жиддий муаммоларни юзага келтирмоқда. Дарҳақиқат, бундай ғайриинсоний, бузғунчи ғоялар халқлар бошига сўнгсиз кулфатлар келтириб, инсониятнинг тинчлиги, осойишталигини бузиб, одамлар бошига турли балолар ёғдирмоқда.

Қисқа қилиб айтганда, инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири – тинч ва осойишта яшаш ҳуқуқини барча қонуний воситалар билан кафолатлаш давлатнинг асосий вазифасидир. Бу ҳуқуқни амалга ошириш – давлат ва жамиятни демократлаштиришнинг энг муҳим шартидир. Реал мустақилликни Ватанга бўлган садоқатли меҳнат ва хизмат, миллий кучига ишонч, миллий ироданинг мавжудлиги, миллий ифтихор ва ғурур, миллий маъсулият, яъни оммавий ватанпарварлик мустаҳкамлайди, уни кафолатлайди. Элатни, халқни, Ватанин севиш, уни ҳимоя қилиш, ватанпарварлик туйғуси маънавиятнинг таркибий асосларидан бўлиб, бу миллий қадриятлар жуда қадим тарихга эга, у ҳар бир халқнинг, миллатнинг шаклланишида катта ўрин эгаллайди, маънавий мероснинг таркибий қисми ҳисобланади.

Глобаллашув ва жаҳон бўйлаб амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг шиддати, унинг хавфсизлигини таъминлаш ва айни сиёсий барқарорлик, таҳдидбардошлик, тараққиёт йўлига жадал кираётган жамиятларнинг муваффақияти - кўп жиҳатдан халқаро мулоқотларда бағрикенглик ғоясининг самарали жорий этишга боғлиқ. У шубҳасиз, назарий-мафкуравий концепциялар тадқиқининг бугунги долзарб муаммосидир.

Фойдаланилган адабиётлар

- Муминов А. Ўзбекистон: ахборотлашган жамият сари. –Т., “Turon zamin ziyo”, 2013
- Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисидағи нутқи
<https://president.uz/uz/lists/view/7670>

3. Бутаев У. Ўзбекистонда демократик жамият ривожида тинчлик ва барқарорликнинг ўрни. Сиёсий фан. докт. (PhD)дисс –Т.: ЎзМУ, 2018.
4. Назаров К., ва бошқ. Фалсафа асослари. –Т.:Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2019. – 188-194 бетлар.
5. Жўраев Т. Миллий давлатчилик: хавфсизлик ва барқарорлик. –Т.: Akademiya, 2007. – Б.117.